# ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШАРТНОМАСИ
# (ЛОЙИҲА-СМЕТА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА)
## №29

«13» 05 2022 йил Термиз шаҳри.

«Уйжойсаноатсувкурилиш" ЛХК, бундан буён «Иш бажарувчи» деб аталувчи, рахбари М.И.Одинаев, Низом асосида иш юритувчи бир томондан ва Сурхондарё вилоят ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" ИК, бундан буён «Буюртмачи» деб аталувчи, рахбари А.Арамов, Низом асосида иш юритувчи иккинчи томондан қуйидагилар тўғрисида шартнома тузадилар

### 1. Шартнома предмети

1.1 «Иш бажарувчи», «Буюртмачи» томонидан буюртма қилинган Бойсун тумани» Тўда» МФЙдаги 9-сонли оилавий шифохона биносини мукаммал таъмирлаш объекти лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш ва муаллифлик назорати ишларини бажариш иш хажмини бажариб беради, «Буюртмачи» эса иш хажми бўйича бажарилган (хизматлар) ишларини қабул қилиб, мазкур шартнома шартлари асосида бюджетдан маблағ ажратилгандан сўнг кўрсатилган лимит доирасида тўловларни амалга оширади.

| № | Иш (хизмат)лар номи | Ўлчов Бирлиги | Миқ-дори | Нархи | НДС 15% | Умумий нархи |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Бойсун тумани» Тўда» МФЙдаги 9-сонли оилавий шифохона биносини мукаммал таъмирлаш объекти лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш ва муаллифлик назорати ишларини бажариш | Дон | 1 | 23304348 | 3495652 | 26800000 |
| | **Жами** | - | - | 23304348 | 3495652 | 26800000 |

### 2.Бажариладиган ишхажминингнархиваумумийқиймати

2.1 Бажариладиган иш хажмининг умумий қийматиЎзбекистон Республикаси миллий валютаси сўмда белгиланади.

2.2 **Шартнома умумий нархи ҚҚС билан 26800000 (Йигирма олти миллион саккиз юз минг) сўмни ташкил қилади.**

2.3 Бажариладиган ишнинг қиймати, нарх ошганлиги натижасида ўзгарганда, «Буюртмачи» га олдиндан хабардор қилиб, ўзгарган нархини асослаган холда иш бажарилади.

2.4 «Буюртмачи» ўзгарган нархлар асосида қўшимча тўловларни бюджетда кўрсатилган лимит доирасида шартномага қўшимча келишувлар тузилиши асосида амалга оширади.

### 3. Тулов шартлари

3.1. Шартнома умумий қийматининг 30 % микдорда 10 банк кунида "Иш бажарувчи"нинг хисоб рақамига олдиндан тўловни амалга оширади.

3.2. Тўлиқ хизматлар (ишлар) бажарилгандан сўнг бажарилган ишлар далолатномаси (хисоб фактура) асосида 20 банк кунида қолган 70 % тўлов "Иш бажарувчи"нинг хисоб ракамига ўтказиб берилади.

3.3 «Буюртмачи» томонидан мазкур шартноманинг 3.1. банди талаблари бажарилмаган такдирда «Иш бажарувчи» шартномада курсатилган иш хажмини бажармасликга хакли булади.

3.4 «Буюртмачи» туловларни бажарилган иш (курсатилган хизмат, акт далалатномаси, хисоб-фактура)га асосан шартномадаги умумий суммадан чикмаган холда амалга оширилади.

### 4. Ишнинг бажарилиш тартиби

4.1. Шартноманинг умумий суммасидан чикмаган холда «Иш бажарувчи» шартномада курсатилган ишларни тулик бажариши шарт.

4.2 Шартноманинг 3.1. бандига асосан пул маблаглари «Иш бажарувчи» нинг хисоб рақамига утказилгандан сунг 30 кун давомида шартномада курсатилган иш (хизмат)лар бажарилиши шарт.

4.3. Шартномада курсатилган иш хажмини «Иш бажарувчи» «Буюртмачи»га топширгандан сунг иш тулик бажарилган хисобланади.

4.4. Шартнома умумий қийматининг 5 фоиз миқдоридаги маблағи билан "Иш бажарувчи" муаллифлик назорати амалга оширади.

### 5. Томонларнинг мажбуриятлари

5.1 «Ишбажарувчи» мажбуриятлари:

• Олдиндан тўлов амалга оширилгандан сунг, шартномада курсатилган иш хажмини бажаришни бошлайди;

• «Иш бажарувчи» ишларни сифатли ва белгиланган мудлатларда бажарилишини таъминлайди;

• Иш жараёнида «Буюртмачи» аникланган камчиликларни уз вактида бартараф этиб боради;

• барча бирламчи рухсат берувчи хужжатлар, архитектура режалаштириш топшириғи (АРТ), топосъемка, мухандислик геологияси, гидрогеология хулосаси (талаб этилганда), АТТБ (ЗВОС) лойихаси ва экологик экспертизасидан ўтказиш, қўшимча (газ, сув, электр, бурғу қудуғи ва х.к.) лойиҳа хужжатлари (талаб этилганда), муаллифлик назорати ишлари, техник кўрик (талаб этилганда) ишлари, лойиҳа-смета хужжатларини экспертиза кўригидан ўтказишни молиялаштириш ва ташкил этишни таъминлайди;

•«Иш бажарувчи» томонидан ишлаб чиқилиб "Буюртмачига" тақдим этилган лойиҳа-смета хужжатларида (электрон кўринишидаги нусхасида ҳам) «Иш бажарувчи» нинг айби билан содир этилган хато ва камчиликлар аниқланганда, "Буюртмачи" лойиҳа-смета хужжатларини қабул қилиш ва ҳақини тўлашни рад этиб, «Иш бажарувчи»дан сифати лозим даражада бўлмаган лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш қийматининг 20 фоиз миқдорида жарима ундириб олишга, агар лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир (Хўжалик юритувчи субъетлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 26-моддаси)

•«Иш бажарувчи» томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа-смета хужжатлари асосида қурилиш ишлари бошлаб юборилгандан сўнг қурилиш давомида «Иш бажарувчи»нинг айби билан иншоотнинг қурилишида хато ва камчиликлар мавжуд бўлса ҳамда ушбу хато ва камчиликлар туфайли қурилишга қўшимча маблағ талаб этилиб, "Буюртмачи"га зарар келтирса, ушбу зарар «Иш бажарувчи» томонидан қопланади. (Хўжалик юритувчи субъетлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 24-моддаси).

5.2 «Буюртмачи» мажбуриятлари:

• Бажарилган иш хажмини кабул килиб олгунча «Иш бажарувчи» иштирокида бажарилган ишни обдон куздан кечиради ва унинг сифатига яроклилигига эътибор беради;

• Агар бажарилган иш талабга жавоб бермаса, яъни сифатсиз булса, «Буюртмачи» кабул килмасликка ва сифатсиз бажарилган иш кисмини кайтадан тулик, сифатли, бажариб беришини талаб килишга хакли булади.

• Бажарилган иш хажми «Буюртмачи» томонидан тулик кабул килиб олингандан сунг «Иш бажарувчи»га шартномада курсатилган сумманинг колган кисмини тулик утказиб бериши шарт.

## 6. Томонларнинг жавобгарлиги

6.1. Томонлар шартномада курсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаган такдирда Узбекистон Республикасининг Фукаролик кодекс ва 29.08.1998-йилдаги 670-1-сонли «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тугрисида»ги Конунининг асосан 25-32 бандлари буйича жавобгар буладилар.

6.2. Туловлар муддати кечиктирилганда, «Буюртмачи» кечиктирилган хар бир кун учун 0.05% микдорида, лекин шартноманинг умумий суммасини 50% дан ошмаган микдорда пеня тулайди.

6.3. Шартномада курсатилган иш хажмини уз вактида бажарилишини кечиктирганлиги учун «Иш бажарувчи» кечиктирилган хар бир кун учун 0.05% микдорида, лекин шартноманинг умумий суммасини 50% дан ошмаган микдорда пеня тулайди.

6.4. Шартномада курсатилган иш хажмлари "Иш бажарувчи"нинг хатоси билан содир килинганда "Иш бажарувчи" ушбу хато ва камчиликларни ўз ҳисобидан "Буюртмачи"нинг иштирокисиз хал килинади. Яъни ўз ҳисобидан ишни бажаради.

6.5 Шартноманинг амал килиш муддати тугаши тарафларни уни бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

6.6 Шартномани бажаришдан бир тарафлама бош тортишга ёки бир тарафлама узгартириш киритишга йул куйилмайди.

## 7. Низоларни хал этиш тартиби

7.1. Мазкур шартнома буйича томонлар шартларни бажармаган такдирда, жавобгар томон келтирилган моддий ва маънавий зарарларни коплайди.

7.2. Томонлар уртасада шартномани тузишда, бажарилишида, узгартириш ва бекор килишда етказилган зарарларни коплашда юзага келадиган низолар огохлантириш ва даъво хатлари тартибида, агарда муросага келинмаганда вилоят Иқтисодий Суди оркали хал килинади.

## 8. Коррупцияга қарши курашиш ва бошқа шартлар

8.1.Тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши куршиш тўғрисидаги қонун хужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан пора беришни таклиф қилмайди, товламачилик қилмайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки пора я'ни ходими ўз ҳизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир етиши ёки содир етмаслиги шартлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкий наф олмайди. Тарафлар ушбу ҳаракатлатга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

8.2. Икки томоннинг узаро ёзма келишувига асосан мазкур шартномага киритиладиган узгариш ва кушимчалар конуний кучига эга булади. Узгариш ва кушимчалар шартномага илова килиниши хам мумкин . Килинган илова икки томоннинг мухири ва имзоси билан тасдикланган булиши шарт.

8.3. Бир томонлама шартномани бекор килишга тулов шартлари бажарилмаганлиги ва махсулот етказиб бериш тартиблари бузилганлиги асос булади.

8.4.Шартномада кўрсатилган маблағдан ортиқча бажарилган иш ҳажмининг маблағини буюртмачи тўлаб беришни ўз зиммасига олмайди.

**9. Кушимчалар**

9.1. Икки томоннинг узаро ёзма келишувига асосан мазкур шартномага киритиладиган узгариш ва кушимчалар конуний кучига эга булади. Узгариш ва кушимчалар шартномага илова килиниши хам мумкин . Килинган илова икки томоннинг мухири ва имзоси билан тасдикланган булиши шарт.

9.2. Бир томонлама шартномани бекор килишга тулов шартлари бажарилмаганлиги ва махсулот етказиб бериш тартиблари бузилганлиги асос булади.

9.3. Шартномада кўрсатилган маблағдан ортиқча бажарилган иш ҳажмининг маблағини буюртмачи тўлаб беришни ўз зиммасига олмайди.

**10. Форс- мажор**

10.1 Агар шартнома тузилгандан сунг икки томон уз мажбуриятларини гайри табиий холатлар , сув тошкини , ёнгин, ер кимирлаш ва бошка табиий офатлар сабабли бажарилмаса, хеч кайси томон тула ёки кисман бажарилмаган мажбуриятлар учун жавобгар хисобланмайдилар.

**11. Шартноманинг амал килиш муддати**

11.1. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва «31» декабр 2022 йилгача амалда булади.

11.2. Мазкур шартнома 3 нусхада тузилган булиб икки томон учун хам тенг кучга эга булиб банк хисоб-китобларини амалга оширишга асос булади.

**12. Томонларнингюридикманзили**

| «Иш бажарувчи» | «Буюртмачи» |
|---|---|
| “Уйжойсаноатсувкурилиш” ЛХК | Сурхондарё вилоят ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” ИК |
| МАНЗИЛ: Термиз ш. М.Каххор кучаси 14 | МАНЗИЛ: Термиз шаҳар Бакуменко 5 |
| Тел:221-70-38, 224-12-48 | Тел: 221-49-71, 221-49-74 |
| Х\Р 20208000900427009001 | Ш.Х.В 30182186022401707220205401З |
| | ИНН:200474347 ОКОНХ:97400 |
| ИНН: 200474924 КОНХ 66000 | ЎзРесп.Молия вазирлиги Ғазначилиги ИНН: 201122921 Б\К: 00014 |
| МФО: 01001 | Тошкент шаҳар Марказий банки ҲККМ |
| АТБ “Ҳамкорбанк” Термиз шаҳар | х/р: 23402000300100001010 |
| ______________ М.И.Одинаев (имзо) | ______________ А.Арамов (имзо) |

**Юрист визаси:** Мен Вилоят хокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати”ИКнингюристи, ушбушартнома амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига мос келишлигини аниқладим:

«____» __________ 2022 йил / ______________ / А.Музафаров

«13» 05 2022 йилдаги №29-сонли ШАРТНОМАга илова

**ЛОЙИХА-СМЕТА ХУЖЖАТЛАРга**

**№29-сонли СМЕТА**

Лойихалаш ташкилоти: **«Уйжойсаноатсувкурилиш" ЛХК**
Буюртмачи ташкилот: **«Ягона буюртмачи хизмати» ИК**

| № | Иш ва харажатлар номланиши | Асос | ЛСХ нархининг тўғридан тўғри хисоби, сум | Танлов пратаколи асосидаги нарх |
|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| 1 | Бойсун тумани» Тўда» МФЙдаги 9-сонли оилавий шифохона биносини мукаммал таъмирлаш объекти лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш ва муаллифлик назорати ишларини бажариш<br>Курилишнинг жорий нархдаги киймати ККС билан 838 788,0 млн | Ўз.РҚВнинг 19.08.2019й 396-сонли буйруғи (Адлия вазирлигида 2019й 9-сентябрда 3180-рақам б-н Давлат рўйхатидан ўтказилган) б-н тасдиқланган "Лойиха-тадқиқот ишларининг қийматини аниқлаш тартиби тўрисидаги Низом"<br>Муракаблик даражаси II–тоифа<br>838 788,0/270000 =3106,62<br>Базавий хисоблаш микдорида<br>к=4,4%(3 илова 4 банд) | 838 788 000 х 4.4% = 36906672 | 22961212 |
| | Экспертиза куригидан утказиш ишлари учун | | | 838788 |
| | Бино иншоотнинг техник куриги | | | 3000000 |
| | Жами ККС билан | | | 26800000 |

**ЛОЙИХА-СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИнинг киймати Буюртмачининг келишуви асосида ҚҚС билан 26800000 (Йигирма олти миллион саккиз юз минг) сумни ташкил этади.**

**«Уйжойсаноатсувкурилиш" ЛХК рахбари:** **М.И.Одинаев**

**«Ягона буюртмачи хизмати» ИК**
**ЛҚИ булим бошлиги** **М.Менглиев**

«13» 05 2022 йилдаги №29-сонли ШАРТНОМАга илова

## ҚИДИРУВ ИШЛАРИ ХАРАЖАТЛАРИга

## №29-сонли

Лойихалаш ташкилоти: «Уйжойсаноатсувкурилиш” ЛХК
Буюртмачи ташкилот: **«Ягона буюртмачи хизмати» ИК**

| № | Иш (хизмат)лар номи | Ўлчов бирлиги | Микдори | Нархи |
|---|---|---|---|---|
| 1 | | | | |
| 1 | ЛСХ ва муаллифлик назорати | Хизмат | 1 | 22 961 212 |
| 2 | Экспертиза куригидан утказиш ишлари учун | Хизмат | 1 | 838 788 |
| | Бино иншоотнинг техник куриги | Хизмат | 1 | 3000 000 |
| | **Жами** | | | **26800000** |

Агарда кейинчалик руйхатга киритилмаган лойиха кидирув ишлари бажариш лозим булса, лойихалаш корхонаси томонидан бажарилиши ташкиллаштирилади ва молиялаштирилади.

Шартноманинг киймати Буюртмачининг келишуви асосида ҚҚС билан 26800000 (Йигирма олти миллион саккиз юз минг)сумни ташкил этади.

**«Уйжойсаноатсувкурилиш” ЛХК рахбари:** **М.И.Одинаев**

**«Ягона буюртмачи хизмати» ИК ЛҚИ булим бошлиги** **М.Менглиев**

«__13__» ___05___ 2022-йилдаги №29-сонли ШАРТНОМА нархининг келишув

**БАЁННОМАСИ**

Бойсун тумани» Тўда» МФЙдаги 9-сонли оилавий шифохона биносини мукаммал таъмирлаш объекти лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш ва муаллифлик назорати ишларини бажариш максадида, биз қуйида имзо чекувчилар «Буюртмачи» томонидан **Вилоят хокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси** лойиха кидирув ишлари булими бошлиги **М.Менглиев** ва «Бажарувчи» томонидан **«Уйжойсаноатсувкурилиш" ЛХК** рахбари **М.И.Одинаев** томонлар ўртасида лойиха-смета хужжатларни ишлаб чиқариш нархини 26800000 (Йигирма олти миллион саккиз юз минг) сум миқдорида келишганимизни тасдиқлаймиз.

Базавий нархда хисобга олинмаган материаллар нархини узгариши ва мехнат иш хакининг узгариб туриши сабабли шартнома нархи очик колади.

Ушбу баённома «Бажарувчи» ва «Буюртмачи» орасидаги узаро хисоб китоб килиш ва туловни амалга ошириш учун асос була олади.

**КАЛЕНДАР РЕЖА**

| № р.т. | Шартнома буйича ишнинг номи ва унинг бажарилиш боскичлари | Ишнинг бажарилиш муддати | Ишнинг хисоб нархи,сум |
|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| 1 | Бойсун тумани» Тўда» МФЙдаги 9-сонли оилавий шифохона биносини мукаммал таъмирлаш объекти объектини лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш ва муаллифлик назорати ишларини бажариш | 10 | 26800000 |
| | Жами: | | 26800000 |

Эслатма: Шартномани имзоланиши ва туланишига караб ишнинг бажарилиш вактини узгартириш хукукини «Бажарувчи» ўз зиммасига колдиради.

Бажарувчи ташкилотнинг

рахбари: М.И.Одинаев

_______________ м.ж.

Буюртмачи ташкилотнинг

ЛКИББ: М.Менглиев.

_______________ м.ж.

## Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 77672 на приобретение Бойсун тумани" Тўда" МФЙдаги 9-сонли оилавий шифохона биносини мукаммал таъмирлаш ЛКИ учун

Способ проведения электронный

Дата 07.05.2022

Время рассмотрения 07.05.2022 19:44

Конкурсная комиссия Сурхондаре вилоят хокимлиги Ягона буюртмачи хизмати ИК, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | ARAMOV ASLIDIN XXX | Директор | Сурхондарё вилоят ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси |
| **Секретарь комиссии** | XOLOV UTKIRJON ABDUXAKIMOVICH | Бирламчи рухсат берувчи, лойиҳа ҳужжатлари ва танлов ҳужжатларини тайёрлаш бўлими бош мутахассиси | Сурхондарё вилоят ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси |
| **Член комиссии** | DJUMMAYEV RAXMATJON GAYRATOVICH | Молиялаштириш, маркетинг, манзилли дастурларни тайёрлаш бўлими бошлиғи | Сурхондарё вилоят ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси |
| **Член комиссии** | MENGLIYEV MIRSALOM MIRZAYEVICH | Бирламчи рухсат берувчи, лойиҳа ҳужжатлари ва танлов ҳужжатларини тайёрлаш бўлими бошлиғи | Сурхондарё вилоят ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси |
| **Член комиссии** | MAMADAMINOV ABDURAIM MAXAMADIYEVICH | Бош мухандис | Сурхондарё вилоят ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси |
| **Член комиссии** | CHORSHANBIYEV ERKIN ABDINAZAROVICH | Танлов савдоларини ташкил этиш ва хўжалик-шартнома муносабатлари бўлими бошлиғи | Сурхондарё вилоят ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 07.05.2022 года № лота 77672.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 50

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуга по проектно - изыскательной работе** |
|---|---|
| Подробное описание | Бойсун тумани" Тўда" МФЙдаги 9-сонли оилавий шифохона биносини мукаммал таъмирлаш ЛКИ учун |

| | |
|---|---|
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 27 400 000.00 |
| Стартовая сумма | 27 400 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Ишлаб чиқариш базаси ва офиси борлиги ҳамда мавжуд оргтехника ва ўлчов асбоблари тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Ишлаб чиқариш базаси ва офиси борлиги (ўз балансида бўлса 1 коэффициент, ижарада бўлса 0,5 коэффициент билан бахоланади) Мавжуд оргтехника ва ўлчов асбоблари тўғрисида маълумот (камида 10 бирликда ўлчов асбоблари ва 10 бирликда оргтехника жихозлари борлиги)

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **Уйжойсаноатсувкурилиш ЛХК** | 20 | 29 | 20 | Экспертная | | |
| **BINO INSHOOT ME`MOR LOYIHA OOO** | 20 | Маьлумот | 15 | Экспертная | | |

Критерий №2 Лойихалаш корхонаси тўғрисида тўлиқ маълумот, гувохнома, лицензия, кафолат хати, молиявий ахволи

Тип: Текстовое значение

Описание: Лойихалаш корхонаси тўғрисида тўлиқ маълумот, структураси Юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳнома, лойиҳа ишларини олиб бориш ҳуқуқини берувчи лицензияга эгалиги Буюртмачи билан суд тортишув ҳолатида эмаслиги, аввал тузилган шартомалар бўйича бажарилмаган мажбуриятлар йўқлиги, инсофсиз ижрочилар руйхатида мавжуд эмаслиги, молиявий барқарор, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлик йўқлигини тасдиқловчи ва буюртмани ўз вақтида бажарилиши тўрсида кафолат хати Лойихалаш корхонасининг молиявий ахволи

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **Уйжойсаноатсувкурилиш ЛХК** | 20 | 47 | 20 | Экспертная | | |
| **BINO INSHOOT ME`MOR LOYIHA OOO** | 20 | Маьлумот | 20 | Экспертная | | |

Критерий №3 Лойихалаш корхонасида ишлаётган ишчилар

Тип: Текстовое значение

Описание: Соха бўйича олий маълумотга эга иш тажрибаси 5 йилдан кам бўлмаган 2 нафар рахбарлик лавозимидаги, 2 нафар лойиҳачи-муҳандис (ГИП), 3 нафар мутахассислар ҳамда доимий асосда ишлайдиган камида 10 нафар малакали ходим ва ишчилар борлиги (охирги йилдаги статистика хисоботига асосан ва шартнома асосида жалб этилган)

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **Уйжойсаноатсувкурилиш ЛХК** | 20 | 147 | 20 | Экспертная | | |
| **BINO INSHOOT ME`MOR LOYIHA OOO** | 20 | Маьлумот | 20 | Экспертная | | |

Критерий №4 Охирги 3 йилда бажарган ишлари тўғрисида, қурилиш майдони билан танишганлиги ва бажариладиган ишлар тўғрисида маълумот, лойиҳа-қидирув ишларини молиялаштириш рўйхати

Тип: Текстовое значение

Описание: Охирги 3 йилда бажарган ишлари тўғрисида маълумот (камида 2 та ўхшаш объектларнинг лойиҳаси бажарилганлиги ва якунига етказилганлиги) Қурилиш майдони билан танишганлиги ва бажариладиган ишлар тўғрисида маълумот (фотосуратлар, лойиҳа таклифи), лойиҳа-қидирув ишларини молиялаштириш рўйхати

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **Уйжойсаноатсувкурилиш ЛХК** | 20 | 84 | 15 | Экспертная | | |
| **BINO INSHOOT ME`MOR LOYIHA OOO** | 20 | Маьлумот | 5 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|
| **BINO INSHOOT ME`MOR LOYIHA OOO** | 27 400 000.00 | 27 400 000.00 | 06.05.2022 11:55:09 | 19.56 |
| **Уйжойсаноатсувкурилиш ЛХК** | 27 400 000.00 | 26 800 000.00 | 05.05.2022 17:19:35 | 20.00 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **BINO INSHOOT ME`MOR LOYIHA OOO** | 60 | 19.56 | 79.56 |
| **Уйжойсаноатсувкурилиш ЛХК** | 75.2 | 20 | 95.2 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 77672 от 07.05.2022 года на приобретение Бойсун тумани" Тўда" МФЙдаги 9-сонли оилавий шифохона биносини мукаммал таъмирлаш ЛКИ учун определила победителем:

Уйжойсаноатсувкурилиш ЛХК
200474924

и резервный исполнитель: BINO INSHOOT ME`MOR LOYIHA OOO (305579153)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Член комиссии** | MENGLIYEV MIRSALOM MIRZAYEVICH | Согласен | |
| **Председатель комиссии** | ARAMOV ASLIDIN XXX | Согласен | |
| **Член комиссии** | MAMADAMINOV ABDURAIM MAXAMADIYEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | DJUMMAYEV RAXMATJON GAYRATOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | CHORSHANBIYEV ERKIN ABDINAZAROVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Сурхондарё вилоят
Хокими ўринбосари

А.Хидиров
2022 йил

## Қурилиши марказлаштирилган манбалар ҳисобига амалга ошириладиган Сурхондарё вилояти ижтимоий соха объектларини куриш, реконструкция килиш ва мукаммал таъмирлаш ишларининг 2022 йил МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТИ №2

*(Асос: Ўзбекистон Республикаси Президентинигнг 2022 йил 18 мартдаги ПҚ-172-сон қарори)*

*( Жорий нархларда, млн.сум. )*

| Т/р | Объектлар номи ва манзили | Қурилиш бошланиш ва фойдаланишга топшириш йили | Лойиҳа кувввати | Объектнинг умумий киймати (шартнома асосида) жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари | 01.01.22 й. ҳолатига объект қолдиқ киймати жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари | 01.01.22 й., ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг молиялаштириш қолдиғи жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари | 2022 йил учун капитал кўйилмалар лимити | | | | | 2022 йилда фойдаланишга топшириладиган | | 01.01.23 й., ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг (қайта ҳисоблаш билан) қолдиқ киймати жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари | Экпертиза хулосаси рақами ва санаси | Тендер (танлов)лар натижасига бўйича баённома рақами ва санаси | Қурилиш пудрат ташкилот номи |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | Жами капитал қўйилмалар | шу жумладан | | | | Муддат/ кувват | Асосий фонд суммаси | | | | |
| | | | | | | | | Қурилиш - монтаж ишлари | Жихоз | Буюртмачи бошқа харажатлари | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | Жами | жумлдан, сақлаш харажатлари | | | | | | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 16 | 17 | 18 | 19 |
| **28** | **"Обод кишлок" ва "Обод махалла" дастури бўйича жами:** | | | | | | **1 886,694** | **0,000** | | **1 886,694** | | | | | | | |
| **27** | **"Обод қишлоқ" дастури** | | | | | | **1 788,623** | **0,000** | | **1 788,623** | | | | | | | |
| **19** | **Халқ таълими муассасалари** | | | | | | **1 347,442** | **0,000** | | **1 347,442** | | | | | | | |
| **9** | ***Реконструкция*** | | | | | | **781,476** | **0,000** | | **781,476** | | | | | | | |
| 1 | Ангор тумани "Корасув" МФЙдаги 5-сонли мактабни (550 ўринли кушимча бино куриш билан) реконструкция килиш | 2022 й | ўк/ўрин<br>550 | | | | 107,209 | | | 107,209 | | | | | | | Тендер |
| 2 | Бандихон тумани "Бектепа" МФЙдаги 2-сонли мактабни (180 уринли кушимча бино куриш ва мавжуд 210 уринли биносини мукаммал таъмирлаш билан) реконструкция килиш | 2022 й | ўк/ўрин<br>390 | | | | 115,015 | | | 115,015 | | | | | | | Тендер |
| 3 | Бойсун тумани "Урмончи" МФЙдаги 56-сонли мактабни (60 уринли кушимча бино куриш ва мавжуд 80 уринли биносини мукаммал таъмирлаш билан) реконструкция килиш | 2022 й | ўк/ўрин<br>140 | | | | 34,066 | | | 34,066 | | | | | | | Тендер |
| 4 | Жарқўрғон тумани "Зартепа" МФЙдаги 34-сонли мактабни (210 ўринли кушимча бино куриш ва мавжуд 96 ўринли биносини мукаммал таъмирлаш билан) реконструкция килиш | 2022 й | ўк/ўрин<br>306 | | | | 77,644 | | | 77,644 | | | | | | | Тендер |
| 5 | Қизириқ тумани "Қишлоқозон" МФЙ 3-бўлимдаги 21-сонли мактабни (140 ўринли қўшимча бино қуриш билан) реконструкция қилиш | 2022 й | ўк/ўрин<br>140 | | | | 79,448 | | | 79,448 | | | | | | | Тендер |

| Т/р | Объектлар номи ва манзили | Қурилиш бошланиш ва фойдаланишга топшириш йили | Лойиҳа қуввати | Объектнинг умумий қиймати (шартнома асосида) жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари | 01.01.22 й. ҳолатига объект қолдиқ қиймати жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари | 01.01.22 й., ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг молиялаштириш қолдиғи жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари | 2022 йил учун капитал қўйилмалар лимити: Жами капитал қўйилмалар | 2022 йил учун капитал қўйилмалар лимити: шу жумладан: Қурилиш - монтаж ишлари | 2022 йил учун капитал қўйилмалар лимити: шу жумладан: Жихоз | 2022 йил учун капитал қўйилмалар лимити: шу жумладан: Буюртмачи бошқа харажатлари: Жами | 2022 йил учун капитал қўйилмалар лимити: шу жумладан: Буюртмачи бошқа харажатлари: жумладан, сақлаш харажатлари | 2022 йилда фойдаланишга топшириладиган: Муддат/ қувват | 2022 йилда фойдаланишга топшириладиган: Асосий фонд суммаси | 01.01.23 й., ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг (қайта ҳисоблаш билан) қолдиқ қиймати жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари | Экспертиза хулосаси рақами ва санаси | Тендер (танлов)лар натижасига бўйича баённома рақами ва санаси | Қурилиш пудрат ташкилот номи |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 16 | 17 | 18 | 19 |
| 6 | Музработ тумани "Гулобод" МФЙдаги 56-сонли мактабни (12х24 м спорт зал қурилиши ва мавжуд 120 ўринли биносини мукаммал таъмирлаш билан) реконструкция қилиш | 2022 й | объект<br>12х24м | | | | 90,384 | | | 90,384 | | | | | | | Тендер |
| 7 | Олтинсой тумани "Наврўз" МФЙдаги 52-сонли мактабни (168 ўринли қўшимча бино қуриш билан) реконструкция қилиш | 2022 й | ўк/ўрин<br>168 | | | | 69,617 | | | 69,617 | | | | | | | Тендер |
| 8 | Сариосиё тумани "Нурбулоқ" МФЙдаги 34-сонли мактабни (240 ўринли қўшимча бино қуриш билан) реконструкция қилиш | 2022 й | ўк/ўрин<br>240 | | | | 87,623 | | | 87,623 | | | | | | | Тендер |
| 9 | Термиз тумани "Бунёткор" МФЙдаги 30-сонли мактабни (300 ўринли қўшимча бино қуриш билан) реконструкция қилиш | 2022 й | ўк/ўрин<br>300 | | | | 120,471 | | | 120,471 | | | | | | | Тендер |
| **10** | ***Мукаммал таъмирлаш*** | | | | | | **565,966** | **0,000** | | **565,966** | | | | | | | |
| 1 | Бойсун тумани" Тўда" МФЙдаги 12-сонли мактабни мавжуд 422 ўринли биносини мукаммал таъмирлаш | 2022 й | объект<br>1 | | | | 74,697 | | | 74,697 | | | | | | | Тендер |
| 2 | Жарқўрғон тумани "Маслахаттепа" МФЙдаги 18-сонли мактабни мавжуд 425 ўринли биносини мукаммал таъмирлаш | 2022 й | объект<br>1 | | | | 59,546 | | | 59,546 | | | | | | | Тендер |
| 3 | Қизириқ тумани "Қишлоқозон" МФЙ 2-бўлимдаги 41-сонли мактабни мавжуд 160 ўринли биносини мукаммал таъмирлаш | 2022 й | объект<br>1 | | | | 46,207 | | | 46,207 | | | | | | | Тендер |
| 4 | Қумқўрғон тумани "Нурли диёр" МФЙдаги 68-сонли мактабни мавжуд 96 ўринли биносини мукаммал таъмирлаш | 2022 й | объект<br>1 | | | | 17,497 | | | 17,497 | | | | | | | Тендер |
| 5 | Қумқўрғон тумани "Исломобод" МФЙдаги 30-сонли мактабни мавжуд 640 ўринли биносини мукаммал таъмирлаш | 2022 й | объект<br>1 | | | | 101,564 | | | 101,564 | | | | | | | Тендер |
| 6 | Узун тумани "Узунқишлоқ" МФЙдаги 11-сонли мактабни мавжуд 355 ўринли биносини мукаммал таъмирлаш | 2022 й | объект<br>1 | | | | 49,808 | | | 49,808 | | | | | | | Тендер |

| Т/р | Объектлар номи ва манзили | Курилиш бошланиш ва фойдаланишга топшириш йили | Лойиха куввати | Объектнинг умумий киймати (шартнома асосида) жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари | 01.01.22 й. ҳолатига объект қолдиқ қиймати жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари | 01.01.22 й., холатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг молиялаштириш қолдиги жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари | 2022 йил учун капитал қўйилмалар лимити | | | | | 2022 йилда фойдаланишга топшириладиган | | 01.01.23 й., холатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг (қайта ҳисоблаш билан) қолдиқ қиймати жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари | Экспертиза хулосаси рақами ва санаси | Тендер (танлов)лар натижасига бўйича баённома рақами ва санаси | Қурилиш пудрат ташкилот номи |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | Жами капитал қўйилмалар | шу жумладан | | | | Муддат/ қувват | Асосий фонд суммаси | | | | |
| | | | | | | | | Қурилиш - монтаж ишлари | Жихоз | Буюртмачи бошқа харажатлари | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | Жами | жумладан, саклаш харажатлари | | | | | | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 16 | 17 | 18 | 19 |
| 7 | Шеробод тумани "Боғиобод" МФЙдаги 41-сонли мактабни мавжуд 624 биносини мукаммал таъмирлаш | 2022 й | объект<br>1 | | | | 77,812 | | | 77,812 | | | | | | | Тендер |
| 8 | Шеробод тумани "Бойқишлоқ" МФЙдаги 65-сонли мактабни мавжуд 80 ўринли биносини мукаммал таъмирлаш | 2022 й | объект<br>1 | | | | 5,248 | | | 5,248 | | | | | | | Тендер |
| 9 | Шўрчи тумани "Хурлик" МФЙдаги 4-сонли мактабни мавжуд 420 ўринли биносини мукаммал таъмирлаш | 2022 й | объект<br>1 | | | | 83,777 | | | 83,777 | | | | | | | Тендер |
| 10 | Олтинсой тумани "Боташ" МФЙдаги 8-сонли мактабни мавжуд 420 ўринли биносини мукаммал таъмирлаш | 2022 й | объект<br>1 | | | | 49,808 | | | 49,808 | | | | | | | Тендер |
| **2** | **Соғлиқни сақлаш** | | | | | | **35,265** | **0,000** | | **35,265** | | | | | | | |
| **2** | ***Мукаммал таъмирлаш*** | | | | | | **35,265** | **0,000** | | **35,265** | | | | | | | |
| 3 | Бойсун тумани" Тўда" МФЙдаги 9-сонли оилавий шифохона биносини мукаммал таъмирлаш | 2022 й | Объект<br>1 | | | | 32,341 | | | 32,341 | | | | | | | Тендер |
| 4 | Шеробод тумани "Боғиобод" МФЙдаги оилавий поликлиникани мукаммал таъмирлаш | 2022 й | объект<br>1 | | | | 2,924 | | | 2,924 | | | | | | | Тендер |
| **6** | **Мактабгача таълим ташкилоти** | | | | | | **405,916** | **0,000** | | **405,916** | | | | | | | |
| **2** | ***Янги қурилиш*** | | | | | | **203,479** | **0,000** | | **203,479** | | | | | | | |
| 1 | Денов тумани "Чоргул" МФЙ Чоргул қишлоғига янгидан мактабгача таълим ташкилоти биносини қуриш(90 ўринли) | 2022 й | ўрин<br>90 | | | | 102,959 | | | 102,959 | | | | | | | Тендер |
| 2 | Узун тумани "Оқостона" МФЙ Оқостона қишлоғидан янгидан мактабгача таълим ташкилоти қуриш (90 ўринли) | 2022 й | ўрин<br>90 | | | | 100,520 | | | 100,520 | | | | | | | Тендер |
| **2** | ***Реконструкция*** | | | | | | **168,433** | **0,000** | | **168,433** | | | | | | | |
| 1 | Сариосиё тумани "Эхтиром" МФЙ Ўзгариш ахоли пунктидаги 20-сонли МТТни реконструкция қилиш (90 уринли блок қурилиши) | 2022 й | ўрин<br>90 | | | | 79,607 | | | 79,607 | | | | | | | Тендер |
| 2 | Шеробод тумани "Боғиобод" МФЙдаги 14-сонли МТТниреконструкция қилиш (70 ўринли блок қурилиши) | 2022 й | ўрин<br>70 | | | | 88,826 | | | 88,826 | | | | | | | Тендер |

| Т/р | Объектлар номи ва манзили | Қурилиш бошланиш ва фойдаланишга топшириш йили | Лойиҳа қуввати | Объектнинг умумий қиймати (шартнома асосида) жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари | 01.01.22 й. ҳолатига объект қолдиқ қиймати жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари | 01.01.22 й., ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг молиялаштириш қолдиғи жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари | 2022 йил учун капитал қўйилмалар лимити | | | | | 2022 йилда фойдаланишга топшириладиган | | 01.01.23 й., ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг (қайта ҳисоблаш билан) қолдиқ қиймати жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари | Экспертиза хулосаси рақами ва санаси | Тендер (танлов)лар натижасига бўйича баённома рақами ва санаси | Қурилиш пудрат ташкилот номи |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | Жами капитал қўйилмалар | шу жумладан | | | | Муддат/ қувват | Асосий фонд суммаси | | | | |
| | | | | | | | | Қурилиш - монтаж ишлари | Жиҳоз | Буюртмачи бошқа харажатлари | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | Жами | жумлдан, сақлаш харажатлари | | | | | | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 16 | 17 | 18 | 19 |
| **2** | ***Мукаммал таъмирлаш*** | | | | | | **34,003** | **0,000** | | **34,003** | | | | | | | |
| 1 | Шеробод тумани "Бойқишлоқ" МФЙдаги 18-сонли МТТ биносини мукаммал таъмирлаш | 2022 й | объект<br>1 | | | | 2,924 | | | 2,924 | | | | | | | Тендер |
| 2 | Шўрчи тумани "Хурлик" МФЙдаги 21-сонли МТТни мукаммал таъмирлаш | 2022 й | объект<br>1 | | | | 31,079 | | | 31,079 | | | | | | | Тендер |
| **1** | **"Обод махалла" дастури** | | | | | | **98,071** | **0,000** | | **98,071** | | | | | | | |
| **1** | **Халқ таълими муассасалари** | | | | | | **98,071** | **0,000** | | **98,071** | | | | | | | |
| **1** | **Реконструкция** | | | | | | **98,071** | **0,000** | | **98,071** | | | | | | | |
| 1 | Термиз шаҳри "Чегара" МФЙдаги 21-сонли мактабни (264 ўринли қўшимча бино қуриш билан) реконструкция қилиш | 2022 й | ўқувчи ўрин<br>264 | | | | 98,071 | | | 98,071 | | | | | | | Тендер |

**"КИРИТИЛДИ"**
**Сурхондарё вилоят ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси директори**

_______________ **А.Арамов**
" ___ " ______________ *2022 й.*

**"КЕЛИШИЛДИ"**
**Сурхондарё вилоят молия бош бошқармаси бошлиғи**

_______________ **Ж.Нормўминов**
" ___ " ______________ *2022 й.*